

**«Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори»  
АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ**

2023 йил 10 апрел

Тошкент шахри

Овоз берувчи акциялар сони: 1 220 689

Акциядорларнинг 2022 молиявий йил якуни бўйича умумий йигилиши Тошкент шахар Бектемир тумани Тошкент автомобил ҳалка йули манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2023 йил 10 апрел куни ўтказилди. Йигилишда 1151812 дона овозга эга 15 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 94,35 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хукуқига эга.

Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида Ганиев Дилмурод Иркинович катнашди.

**Йигилиши раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:**

Камолов Т.К. – Кузатув кенгаши аъзоси

Ганиев Д.И. – Марказнинг “Деҳқон бозорлари департаменти” бошлиғи ўринбосари.

О.Джумаев – «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ директори в.б

**Йигилиши комибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:**

Абдурахмонова И.Ф.

**Йигилиши саноқ ҳайъатига қўёйидаги ходимлар сайландилар:**

Аволов Ж., Шайдуллаева Г. Бойбутаева К.

Йигилишга жамият кузатув кенгашининг аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

**Йигилиш кун тартиби:**

1. Жамият директори ва Кузатув кенгаши раисининг жамиятнинг ривожлантириши стратегиясига эришиши бўйича 2022 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар тўгрисидаги хисоботларини эшигити;
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви холосасини кўриб чиқиши;
3. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаши;
4. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари хисоб варагини тасдиқлаши, унинг соф фойдасини тақсимлаши;
5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаши;
6. Жамият директорини сайлаш ҳақида;
7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаши;
8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши;
9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаши ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаши;
10. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритиши ва тасдиқлаши;
11. Жамият уставига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаши;
12. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низомига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаши;

**Йигилиш регламенти қўйидагича тасдиқланди:**

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори в.б. О.Джумабоевнинг хисоботи тингланди. 2022 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуклар ва мавжуд камчиликлар, 2023 йилга режалаштирилган ишлар ҳакида хисобот берди, жумладан жамиятнинг 2022 йилга белгиланган жаъми даромадлари режаси 18.100.000,0 м.сум бўлиб, шу жумладан жой ҳаки режаси 17.973.293,0 м.сум, хизмат ҳаки режаси 3.440.000 м.сум, ижара ҳаки режаси 3.771956 м.сум ташкил қилгани, ҳақиқатда жаъми даромадлар 17.973.293 м.сум ташкил қилгани, шу жумладан жой ҳаки даромади 6.683.310 м.сумни, хизмат ҳаки 3771956 м.сумни, ижара даромади 7180774 м.сумни, бошқа даромадлар 1499,0 м.сумни ташкил қилганлигини билдириди. Жамият раҳбари в.б жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ хисобот берди, бажарилган ишларни айтиб ўтди.

Берилган саволларга маъruzачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «AUDIT-RUMANS» МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2022 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосасини жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. ўқиб эшилтириди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ келиши ҳақидаги 2023 йил 13 март №ДО/16-сонли ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият бош муҳосиби Каримов А.Д. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2022 йил якуний баланси юзасидан тўлиқ хисобот берди.

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	35891724,8	Устав капитали	1806575,3
Узок муддатли инвестициялар	1739,4	Резерв капитали	5785114,4
Товар моддий захиралари	58041,2	Тақсимланмаган соф Фойда	3457262,8
Дебиторлар	2514568,6	Максадли тушумлар	32475493,8
Пул маблаглари	5391480,4	Жорий кредиторлик карзлар	315670,2
<b>ЖАМИ</b>	<b>43879954,4</b>	<b>ЖАМИ</b>	<b>43879954,4</b>
		<b>СОФ ФОЙДА</b>	<b>2064735</b>

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **туртинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. сўзга чиқиб, 2022 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташки аудитори «AUDIT-RUMANS» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича олинган 2064735000 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи микдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади” деб белгилаб

кўйилганидан келиб чиқиб, соғ фойдани 50% қисмини яъни, 1032367500 сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- жамиятнинг захира жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмайди;

- Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга 1032367500 сўм.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича жамият раҳбари сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди:

2023 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йигилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2023 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбани ташкил этиш йўлларини топиш кўрсатилганини билдириди ва ушбу кўрсаткилар бугунги кунда амалда бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2023 йил 21 февралдаги 128-14-0-Q/23-сонли “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йигимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги айтди.

2023 йил сметаси ишлаб чиқилишида 2022 йилда эришилган натижалар инобатга олиниб, жамият бошкарув органи (кузатув кенгаши) ва жамият ходимларини рағбатлантириш мақсадида ушбу харажат 2023 йил сметаси харажатлари таркибиға киритилганлиги инобатга олиниши айтилди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, 2023 йил 13 март куни ўтказилган жамият кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши қарорига мувофиқ жамият директори номзодига матбуот, жамият веб-сайтига ва бошқа сайтларга эълонлар берилганлиги ва жамият директорини сайлаш масаласи танлов якунларига кўра бир кишидан яъни жамият директори в.б. О.Джумабоевдан таклиф келиб тушганигини ва унди жамият директори этиб тайинлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритилиши Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилганлиги, О.Джумабоев 2022 йил 19 сентябр куни ўтказилган жамият Кузатув кенгаши йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори в.б этиб тайинлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида хурматга эга бўлди. Мехнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя килинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштириди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вактида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткиларга эришишда унинг хиссаси катта бўлганлигини амълум қилди.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга кўйилди

Раислик қилувчи кун тартибидаги еттинчи масалага ўтиб, 2023 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конунига 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли

қонуни билан ўзгартириш киритилганлиги, жумладан, 76-1 моддаси кўшимча кўшилганлиги, унда “акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камидан бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йигилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади” деб кўрсатилганлиги муносабати билан бугунги йигилишда ҳам мустақил аъзоликка ҳам номзод кўрсатилганини айтиб ўтди.

Йигилиш кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг қимматли қофозлар бўйича мутахасиси И.Абдурахманова сўзга чиқиб, «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўtkазилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хulosаси билан танишиди.

(«FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг хulosаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибининг туккизинчи масала юзасидан жамият кимматли когозлар мутахассиси И.Абдурахманова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги конуни 61-моддасига мувофиқ: Суммаси бир шартнома бўйича базавий хисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдори (15,0 млн.сўм)дан ошмайдиган танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Бунда ғолиб давлат буюртмачиси томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирумасдан, очик ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниqlаниши белгиланган.

Мазкур Конун талабидан келиб чиқиб, Жамият томонидан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш юзасидан аудиторлик ташкилотларидан нархлар сўраш йўли билан таклифлар олинганлигини маълум қилди, жумладан:

1. “AUDIT-RUMANS” MCHJ - 12,0 млн сўм ҚҚС билан;
2. “ABS FINANS AUDIT” -14000000 сўм ҚҚС билан;
3. “FTE-LEA-AUDIT” MCHJ -15000000 сўм. ҚҚС билан.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги унинчи юзасидан жамият қимматли қофозлар бўйича мутахассис И.Абдурахманова сўзга чиқиб, мажлис қатнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойихаси билан танишириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият раҳбари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу конун билан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Конуни таҳририда)га тегишли ўзгартишилар киритилганлиги, яъни устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камидан бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги, ушбу ўзгариш 2023 йил 20 апрелдан кучга кириши, шу муносабат билан мазкур қонунчилик талабига амал қилиш максадида жамиятнинг амалдаги уставига ўзгартириш киритилиб, янги

тахирда ишлаб чиқилғанлигини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳирдаги Устав лойиҳаси билан танишириди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги ўн иккинчи юзасидан жамият бош муҳосиби А.Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганини, ушбу қонун билан давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятларнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганини сабабли, жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши ҳакидаги низомига ўзгаришилар киритиб, янги таҳирда тасдиқлаш таклифини айтди ва киритилаётган ўзгаришилар матни билан танишириди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

Раислик килувчи умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ ҳайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан танишириди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%
4-масала	5-масала	6-масала
Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%
7-масала		
Джумаев Отабек Равшанович - Ёқлаган 0–0%, Бетараф 0 – 0,0%, Карши 1151812 – 0,0%		
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
8.1. Раззоков Аҳад Анварович 8.2. Расулов Отабек Райимбердиевич 1151812 - та овоз 8.3. Ганиев Дилмурод Иркинович 8.4. Жўраев Шерали Абдуваҳҳоб ўғли 8.5. Камолов Толмас Каримович	1151812 - та овоз 1151812 - та овоз 1151812 - та овоз 1151812 - та овоз	
10-масала	11-масала	12-масала
Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%	Ёқлаган 1151812–100% Бетараф 0 – 0,0% Карши 0 – 0,0%

Раислик килувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик махсулотлари улгуржи бозори» АЖ ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари тасдиқлансан. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташки аудиторлик текширувига мувофиқ ижобий аудиторлик хulosаси инобатга олинсан. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100%, қарши-йўқ, бетараф – йўқ).

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисботи тасдиқлансан (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф- йўқ)

4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар хисоб вараги тасдиқлансан (ёклаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши йўқ %, бетараф – йўқ).

**4.1. Жамият ташки аудитори “AUDIT-RUMANS” МСНД томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича 2064735000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин ва соф фойда кўйидагича таъсимлансан:**

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуси мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи микдорида ажратмалар ва давлат улуси бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуси мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади” деб белгилаб кўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 1032367500 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсн;

- Жамиятнинг захира жамгармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмаслиги инобатга олинсин;

Колган 1032367500 сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси “Солик кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиклансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамият директори этиб Джумаев Отабек Равшанович сайлансин. (Еқлаган 1151812 – 100 %, Карши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

**6.1.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта даги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта даги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатлариiga ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, О.Джумабоев билан меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин

**6.1.** Белгилаб күйилсінкі, хар йили йил яқуни бүйіча бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бүйіча мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, хар чорак яқуни бүйіча жамият кузатув кенгаши олдидаги берадиган хисоботларининг даврийлигига қарапади.

7. Жамият Кузатув Кенгашы аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайдансин:

7.1 Рассаков Ахад Анварович (жамият устав фондлинг 93,17 % акциядори ҳокимият вакили) 1151812 - та овоз

7.2 Расулов Отабек Раимбердиевич жамият устав фондининг 93,17% акциядори хокимият вакили) 1151812 - та овоз

7.3. Ганиев Дилмурод Иркинович жамият устав фондининг 93,17% акциядори хокимият вакиди). 1151812 - та овоз

74 Камолов Толмас Каримович – акциядор

1151812 - та овоз

7.5 Жүраев Шерали Абдувахоб ўғын - мұстакил аъзо. 1151812 - та овоз

8. Жамият “FTE-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви текшируви бўйича ижобий натижаси

маълумот учун қабул қилинсин, келгусида курсатилган камчилик натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МСНJ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансан ва унга тўланадиган ҳакининг энг кўп чегараси 12 000 000 сўм микдори этиб белгилансин. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсан ва қайта тасдиқлансан. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Жамиятнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда тасдиқлансан ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсан.( ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. Жамиятнинг “Кузатув кенгаси ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрирда тасдиқлансан. (ёқлаган 1151812 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

13. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсан.

Баённома имзоланган сана: «18» апрел 2023 йил.

Йиғилиш раиси

Т.К.Камолов

Котиб

И.Абдурахманова